# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

**Ички автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун**

**2022 йил 8 август** 93-1-26-OB/2022-**сонли** **Улугнор тумани**

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Улуғнор тумани **Ободонлаштириш** бошқармаси номидан Низом асосида иш юритувчи **А.Умурзаков** бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган **«GOLDEN KOLOR ULUG'NOR» МЧЖ** низом асосида иш юритувчи **А.Қосимов** иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар;

**1. Шартнома мавзуси**

1. «Пудратчи» мазкур шартнома шартларига мувофик Улуғнор туман Бўстон МФЙ Мехригул кўча йўлини 2225 метр қисмини Асфальтлаштириб жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади, «Буюртмачи» эса «Пудратчи» га курилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**2. Шартнома буйича ишлар киймати**

2.1 Мазкур шартнома бўйича 2022 йил 5 август куни ўтказилган танлов савдоси натижасида аникланган ва танлов комиссиясининг 06.08.2022 йил кунги №129846 сонли йиғилиш қарори билан тасдикланган ишлар киймати ҚҚС ни ўз ичига олган холда жорий нархларда **847 000 000 (Саккиз юз қирик етти миллион) сўм**ни ташкил этади.

2.2 Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги холлар бундан мустасно:

- Жорий таъмирлаш ишлари кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холати сабаб бўлганда.

-Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгаришлар «Буюртмачи» билан «Пудратчи» ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**3. Пудратчининг мажбуриятлари**

3.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» мазкур шартноманинг иккинчи бўлимида назарда тутилган ишларни бажариши учун:

3.2 Барча ишларни шартнома хужжатларига мувофик мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш хамда ишни буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

3.3 Мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

3.4 «Пудратчи» мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун «Буюртмачи» олдида тўлик мулкий жавоб беради.

**4. Буюртмачининг мажбуриятлари**

4.1 Мазкур шартнома тегишли Ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун объектни хамда лойиха-смета хужжатларини «Пудратчи»га бериш;

4.2 Ишлар бажарилиши устидан доимий назорат ва мазкур шартномада баён этилган «Пудратчи» томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, «Пудратчи» дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

4.3 Молиялаштириш жадвалига биноан «Пудратчи» га аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

4.4 Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

**5. Ишларни бажариш муддати**

5.1 Шартнома миллий валюта (сўмда) ўзаро хисоб-китоб килинади.

5.2 «Пудратчи» мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик, аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.3 Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган жорий таъмирлаш ишларини давом этиш вакти ишлари бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

**6. Шартноманинг хисоб-китоб тартиби**

6.1 «Буюртмачи» «Пудратчи» га шартнома буйича шартноманинг умумий қийматининг 30 фойизи миқдорида яъни 254 100 000 (икки юз элик тўрт миллион бир юз минг) сўм аванс (бўнак)

тўловини амалга оширади.

6.2 Таъмирлаш ишлари бажарилиб бажарилган ишлар далолатномаси ва хисоб-варак фактуралари расмийлаштирилгандан сўнг хисоб-фактуралар асосида 65 фойизгача Пудратчининг хисоб рақамига маблағлар молиялаштириб берилади. Қолган 5 фойиз маблағ ишлар тўлиқ якунига етказилгандан сўнг амалга оширилади.

## 7. Кафолатлар

7.1 Пудратчи:

-барча ишлар тўлик хажмда ва шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш хом ашёлари, асбоб-ускуналар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишини;

7.2 Иншоот ва унга кирадиган мухандислик тизимлари, асбоб-ускуналари, хом ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

7.3 Агар иншоотдан фойдаланишнинг кафолатли даврида камчиликлар аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

7.4 Аниқланган нуқсон ва камчиликлар Пудратчи ва Буюртмачи ўртасида далолатнома тузилиб, расмийлаштирилади. Пудратчи нуқсон ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, Буюртмачи бу ҳақда ёзувларни киритади.

## 8. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги

8.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа қонун хужжатларида ҳамда шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

8.2 Буюртмачи шартномавий мажбуриятини бузиб, ўз вақтида тўламаганлиги учун Пудратчига тўлов кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

8.3 Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

8.4 Агар бажарилган ишлар сифати, техник шартлар, конун хужжатларида ёки пудрат шартномасида белгиланган бошка мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи ишларни кабул килиш хамда уларнинг хакини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар хаки тўлаб куйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда кайтаришни талаб килишга хаклидир. Сифати, лозим даражада бўлмаган ишлар кўрсатилганлик учун жарима пудратчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

Жаримани ундириш тўгрисидаги тўлов талабномаси банк муассасасига ишларнинг сифати лозим даражада эмаслиги тўгрисидаги далолатнома тузилгандан кейин ўн кун ичида такдим этилади. Жаримани ундириш тўгрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган холда такдим этилган холларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

8.5 Пудратчи иншоотни ўз вақтида Буюртмачига топшириш бўйича шартномавий мажбуриятини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси шартнома кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

### 9. Низоларни ҳал этиш тартиби.

9.1 Томонлар шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни ўзаро хал этадилар. Агарда юзага келган низоли масалаларни ўзаро ҳал этолмасалар, белгиланган тартибда Хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Агар тарафлар ўртасидаги низо молиялаштириш бўйича келиб чикса, ишга молиялаштирувчи органнинг жалб этилиши таъминланади.

9.2 Шартнома тарафларнинг келишувига биноан бекор қилиниши мумкин. Шартнома бир томонлама бекор қилиниши мумкин эмас.

### 10. Енгиб булмайдиган куч (Форс-мажор) холатлари.

10.1 Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч холатлари натижасида келиб чикса ва агар бу холатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар шунда кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

10.2 Агар томонлар икки ой ичида ўзаро келиша олмасалар у холда, келишмовчиликлар Узбекистон Республикасининг амалдаги конунларига биноан хал килинади.

### 11. Алохида шартлар.

11.1 Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилган.

11.2 Мазкур шартномага томонларнинг келишувчига асосан узгартиришлар киритилса, кушимча келишувлар билан расмийлаштирилади ва ушбу кушимча келишувлар тегишли газначилик булинмасида руйхатга олингандан сунг кучга киритилади.

11.3 Ушбу шартнома томонлар имзолаб, тегишли Ғазначилик бўлинмаси томонидан рўйхатга олинган кундан кучга кириб, 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

### Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

| «Пудратчи» | «Буюртмачи» |
|---|---|
| **Номи: GOLDEN KOLOR ULUG'NOR МЧЖ** | **Номи: Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси** |
| Манзили: Улуғнор туман Оқ-олтин КФЙ<br>х/р: 20208000800589062001<br>Тел./факс : +99899 904 00 01<br>Банк номи: Агро Банк Улунор булими<br>МФО: 00055 ИНН: 303808382<br>ОКОНХ 61100 | Манзил: Улуғнор тумани маркази<br>Тел./факс : 74 761 13 47<br>ШХР 100022860032177045204110001<br>СТИР 200273842 ОКОНХ 90211<br>Улуғнор тумани бўйича ғазначилик бўлинмаси<br>Газна х/в 23402000300100001010:<br>МФО 00014: СТИР 201122919<br>Банкнинг номи: Марказий банк Тошкент ш. ХККМ |
| Рахбар ____________ А.Қосимов | Рахбар ____________ А.Умурзаков<br>(имзо) |
| М.У | М.У. |

2022 йил 8 август кунги
93-1-26-08/2022-сонли шартномага
илова

| № | Шифр | Наименование | Единица измерения | Количество | | Сметная стоимость, сум | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | На ед. измерения | По проектным данным | в текущем уровне | |
| | | | | | | на ед. изм | общая |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 |
| **РАЗДЕЛ 1.УЛИЦА ДЛИНА 2225М** | | | | | | | |
| 1 | **Е102-27-2** | **ПЛАНИРОВКА ПЛОЩАДЕЙ МЕХАНИЗИРОВАННЫМ СПОСОБОМ, ГРУППА ГРУНТОВ 2** | **1000М2** | **7,78800** | | | |
| | | АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.) | МАШ.-Ч | 0,43000 | 3,35 | 147437,0 | 493742,92 |
| | | БУЛЬДОЗЕРЫ ПРИ РАБОТЕ НА ДРУГИХ ВИДАХ СТРОИТЕЛЬСТВА (КРОМЕ ВОДОХОЗЯЙСТВЕННОГО) 79 (108) КВТ (Л.С.) | МАШ.-Ч | 0,67000 | 5,22 | 125052,8 | 652520,72 |
| 2 | **Е2704-001-02** | **УСТРОЙСТВО ПОДСТИЛАЮЩИХ И ВЫРАВНИВАЮЩИХ СЛОЕВ ОСНОВАНИЙ ИЗ ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНОЙ СМЕСИ** | **100М3** | **4,50000** | | | |
| | | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ.-Ч | 14,40000 | 64,80 | 13981,4 | 905994,72 |
| | | АВТОГРЕЙДЕРЫ СРЕДНЕГО ТИПА 99 (135) КВТ (Л.С.) | МАШ.-Ч | 1,55000 | 6,98 | 147437,0 | 1028373,08 |
| | | АВТОПОГРУЗЧИКИ 5 Т | МАШ.-Ч | 4,76000 | 21,42 | 129092,7 | 2765165,63 |
| | | КАТКИ ДОРОЖНЫЕ САМОХОДНЫЕ НА ПНЕВМОКОЛЕСНОМ ХОДУ 30 Т | МАШ.-Ч | 7,08000 | 31,86 | 182417,5 | 5811819,96 |
| | | МАШИНЫ ПОЛИВОМОЕЧНЫЕ 6000 Л | МАШ.-Ч | 0,91000 | 4,10 | 181632,7 | 743785,91 |
| | | ПЕСЧАНО-ГРАВИЙНАЯ СМЕСЬ | М3 | 122,00000 | 549,00 | 22970,9 | 12611024,10 |
| 3 | **С148-55-1** | **АВТОТРАНСПОРТ ГПС ДАЛЬНОСТЬ ДО 55КМ** | **Т** | **878,40000** | | **49500,0** | **43480800** |
| 4 | **Е2707-1-5 ДОП. 4** | **УСТРОЙСТВО АСФАЛЬТОБЕТОННЫХ ПОКРЫТИЙ ДОРОЖЕК ОДНОСЛОЙНЫХ ИЗ МЕЛКОЗЕРНИСТОЙ АСФАЛЬТО-БЕТОННОЙ СМЕСИ ТОЛЩИНОЙ 3 СМ** | **100М2** | **77,88000** | | | |
| | | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ.-Ч | 14,40000 | 1121,47 | 13981,4 | 15679748,62 |
| | | АВТОПОГРУЗЧИКИ 5 Т | МАШ.-Ч | 0,03000 | 2,34 | 129092,7 | 301612,18 |
| | | КРАНЫ НА АВТОМОБИЛЬНОМ ХОДУ ПРИ РАБОТЕ НА ДРУГИХ ВИДАХ СТРОИТЕЛЬСТВА (КРОМЕ МАГИСТРАЛЬНЫХ ТРУБОПРОВОДОВ) 10 Т | МАШ.-Ч | 0,02000 | 1,56 | 179796,0 | 280050,25 |
| | | АВТОМОБИЛИ БОРТОВЫЕ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ ДО 5 Т | МАШ.-Ч | 0,02000 | 1,56 | 90150,7 | 140418,68 |
| | | КАТКИ ГЛАДКОВАЛЬЦОВЫЕ ЛЕГКИЕ HAMM ND 10 S/N | МАШ.-Ч | 0,68000 | 52,96 | 114220,0 | 6048908,45 |
| | | БИТУМ | Т | 0,06000 | 4,67 | 5404033,0 | 25251965,40 |
| | | ПЕСОК ДЛЯ СТРОИТЕЛЬНЫХ РАБОТ ПРИРОДНЫЙ | М3 | 0,50000 | 38,94 | 80915,5 | 3150848,63 |
| | | СМЕСЬ АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ МЕЛКОЗЕРНИСТАЯ | Т | 7,14000 | 556,06 | 472548,3 | 262766719,85 |
| 5 | **Е2707-1-6 ДОП. 4 К=4** | **ПРИ ИЗМЕНЕНИИ ТОЛЩИНЫ ПОКРЫТИЯ НА 0,5 СМ ДОБАВЛЯТЬ К НОРМЕ 07-001-5** | **100М2** | **77,88000** | | | |
| | | ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ | ЧЕЛ.-Ч | 9,28000 | 722,73 | 13981,4 | 10104726,89 |
| | | КАТКИ ГЛАДКОВАЛЬЦОВЫЕ ЛЕГКИЕ HAMM ND 10 S/N | МАШ.-Ч | 0,44000 | 34,27 | 114220,0 | 3913999,58 |
| | | СМЕСЬ АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ МЕЛКОЗЕРНИСТАЯ | Т | 4,84000 | 376,94 | 472548,3 | 178121978,16 |
| 6 | **С148-55-1** | **АВТОТРАНСПОРТ АСФАЛЬТОБЕТОНА ДАЛЬНОСТЬ ДО 55КМ** | **Т** | **933,00240** | | **49500,0** | **46183618,8** |
| | | **ИТОГО** | **СУМ** | | | | **620 437 822,54** |
| | | **ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ И РАСХОДЫ ПОДРЯДЧИКА 18,71%** | **СУМ** | | | | **116083916,6** |
| | | **ИТОГО ПРЯМЫЕ ЗАТРАТЫ** | **СУМ** | | | | **736 521 739,13** |
| | | **НДС 15%** | **СУМ** | | | | **110478260,9** |
| | | **ВСЕГО С НДС** | **СУМ** | | | | **847 000 000,00** |

**"ПУДРАТЧИ"**

**Номи:** Голден Колор Улугнор МЧЖ
**Манзили :** Улугнор тумани
**Тел:** +99899 904 00 01
**Банк номи:** Агро банк Улугнор булими
**Х.Р:** 20208000800589062001
**МФО:** 00083
**ИНН:** 303808382 **ОКОНХ:** 61110

Рахбар: ______________ А.Косимов
(имзо)

**"Бюджет ташкилоти"**

Заказчик: **Улуғнор туман Ободонлаштириш бошқармаси**
Адрес: **Улуғнор тумани маркази**
Телефон: 74 761 13 47
ЛС **100022860032177045204110001**
ИНН: **200273842** ОКОНХ: **90211**
Наименования казначейства
**Улуғнор туман бўйича Газначилик булинмаси**
**РС: 23402000300100001010** ИНН: **201122919**
Банк: **Марказий банк Тошкент шахар ХКМ**
МФО: **00014**

Рахбар: ______________ А.Умурзаков
(имзо)

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VE4638146757

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
ANDIJON VILOYATI ADLIYA BOSHQARMASI
ULUG'NOR TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

170400, Ulug'nor tuman, Mustaqillik ko'chasi 1-uy.
Тел.: (998 74) 761 10 23

**Ulug'nor tuman Obodonlashtirish boshqarmasiga**

**Yuridik ahamiyatga ega hujjatlarning qonun hujjatlariga muvofiqligi to'g'risida huquqiy xulosa № DS28115208**

**08.08.2022 yil** **Ulug'nor tumani**

1. Loyihaning turi: Shartnoma.

2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi.

Ulug nor tumani Obodonlashtirish boshqarmasi hamda “”GOLDEN KOLOR ULUG'NOR” MCHJ o'rtasida ichki avtomobil yo'llarini joriy ta'mirlash ishlarini bajarish to'g'risida pudrat shartnomasi.

3. Pudrat shartnomasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish va ijroga qaratish maqsadga muvofiq.

**Ulug'nor tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi bosh yuristkonsulti:** **Sh.Sh.Shoyadbekov**